«Қуръони Карим мусобақаси 1442» бешинчи ҳафта саралаш босқичи

Image not found or type unknown



14:30 / 04.02.2021 1355

Аллоҳ таоло Фотир сурасида шундай марҳамат қилади:

إِنَّ الَّذِينَ يَتْلُونَ كِتَابَ اللَّهِ وَأَقَامُوا الصَّلَاةَ وَأَنْفَقُوا مِمَّا رَزَقْنَاهُمْ سِرًّا وَعَلَانِيَةً يَرْجُونَ تِجَارَةً لَنْ تَبُورَ

«Албатта, Аллоҳнинг китобини тиловат қиладиганлар, намозни тўкис адо этиб, Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан махфий ва ошкора инфоқ қилганлар, ҳаргиз касодга учрамайдиган тижоратдан умидвор бўлурлар» *(29-оят).*

Аллоҳнинг китоби Қуръони Каримни тиловат қилиш ҳар бир мўминнинг бурчидир. Шунингдек, ҳар бир мўмин инсоннинг Қуръон тиловатидан кундалик вазифаси бўлиши лозим. Уламоларимиз оддий кишилар учун ҳар

куни бир порадан Қуръон ўқиб туришни тавсия қиладилар. Шунда бир ойда Қуръони Карим бир марта ўқиб чиқилади. Шундан ҳам билишимиз ва амал қилишимиз керакки Қуръон тиловати барча мусулмонлар учун ниҳоятда зарур.

Юртимизда устоз Зайниддин қори Муҳаммад Юсуф хотираларига бағишланган «Қуръони карим мусобақаси — 1442» танловининг бешинчи ҳафта саралаш босқичи ҳифз ва тиловат йўналиши бўйича мусобақа онлайн тарзда бўлиб ўтмоқда.

Куни кеча ҳифз йўналиши бўйича 10 нафар саралаб олинган юртимиз қорилари иштирокидаги мусобақа якунига етди. Ҳакамлар ҳайъати ҳар бир қорининг ҳифзи мустаҳкамлиги, тажвид қоидаларига риоя қилиши, оятларни аниқ ифода қилиши масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар. Шаффоф ва адолат мезонлари асосида бўлиб ўтган онлайн танловда қориларнинг Қуръонга муҳаббати ва ҳифзи мустаҳкамлиги яққол кўзга ташланди.

Бешинчи ҳафта ҳифз йўналиши бўйича ғолиблар:

Биринчи ўринни Аҳмаджон Ворисов 227,5 балл тўплади ва финал босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Иккинчи ўрин эса 221,5 балл олган Ҳабибуллоҳ Тожиддиновна насиб этди.

Фахрли учинчи ўрин эса 213 балл билан Абдулбосит Абдусатторовга насиб этди.

Ғолибларга махсус сертификат ва Қуръони Карим ҳадя қилинди.

Бугун 4 февраль куни тиловат йўналиши бўйича 10 нафар иштирокчиларнинг саралаш босқичи ўтказилади.

Ушбу мусобақани «AzonTV» ва унинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали кузатиб боришингиз мумкин!

Эслатиб ўтамиз, Қуръон мусобақасида иштирок этмоқчи бўлганлар ҳафтанинг ҳар душанба куни соат 08:00 дан 13:00 гача @azonquronbot манзилида ариза тўлдиришлари керак.